

Нафл намозлар

«Рисалатун фил фикҳил муяссар» китобидан иқтибос

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]



Доктор Солиҳ ибн Ғоним Садлон



Мутаржим: Абу Жаъфар Бухорий

Мухаррир: Абу Абдуллоҳ Шоший

صلاة التطوع

مقتبس من كتاب "رسالة في الفقه الميسر"

[الأوزبكي – Uzbek – Ўзбекча]



د. صالح بن غانم السدلان



ترجمة: أبو جعفر البخاري

مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

Нафл намозлар

А) Нафл намозларнинг машруъ қилиниш ҳикмати

Бандаларига инсоний табиатларига муносиб ва Ўзи хоҳлаган тўғри услубда амалларни амалга ошириш учун ибодатларни тайёрлаб қўйиши, Аллоҳ таолонинг буюк неъматларидан ҳисобланади. Зеро, одамзот мудом хато ва камчиликларни қилади. Шунинг учун Аллоҳ таоло бу хато ва камчиликларни тўлдирадиган ва улардан бадал бўладиган нарсаларни жорий қилди. Шулардан бири нафл намозлардир. Ҳолбуки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан нафл намозлари фарз намозларни, гарчи намозхон уларни ўқимаган бўлса ҳам, баркамол қилиши собит бўлган.

Б) Нафл ибодатларнинг энг афзали

Нафл ибодатларнинг энг афзали Аллоҳ йўлидаги жиҳод, сўнгра шаръий билимларни ўрганиш ва ўргатишдир. Аллоҳ таоло айтди:

﴿يَرْفَعُ اللَّهُ الَّذِينَ آمَنُوا مِنْكُمْ وَالَّذِينَ أُوتُوا الْعِلْمَ دَرَجَاتٍ﴾

«Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража-мартабаларга кўтарур» (Мужода: 11).

Ундан кейинги нафл ибодат эса намоз бўлиб, у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қуйидаги ҳадисларига кўра, бадан ибодатларининг энг афзалидир: «Сабот билан турунглар ва тоқатдан ортиқчасига ҳаракат қилманглар! Билингларки, амалларингизнинг энг яхшиси — намоздир» (Ибн Можа «Таҳорат ва унинг суннатлари» (277), Имом Аҳмад (5/282), Доримий «Таҳорат» (655)).

Нафл намозларининг айримлари:

А) Тунги намоз (таҳажжуд)

Таҳажжуд — кундузги намоздан афзал бўлиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг куйидаги қавлларига кўра, кечанинг иккинчи ярмида ўқилиши афзалдир: «Роббимиз азза ва жалла ҳар кеча туннинг ярми ўтгач куйи осмонга тушади» [Имом Бухорий «Жумъа» (1094), Имом Муслим «Мусофирнинг намози ва уни қаср қилиш» (758), Термизий «Намоз» (446), Абу Довуд «Намоз» (1315), Ибн Можа «Намозни тўқис адо этиш ва намоздаги суннат» (1366), Имом Аҳмад (2/267), Имом Молик «Намозга чакирик» (496), Доримий «Намоз» (1478)].

Таҳажжуд — уйқудан (уйғонгандан) сўнгра ўқилган намоздир. Оиша разияллоҳу анҳо: «Таҳажжуд — уйқудан кейин уйғонишдир», дедилар.

Б) Чошгоҳ намози

(Ҳар куни эмас), баъзи кунларда чошгоҳ намозини ўқиш суннатдир. Бу ҳақда Абу Саид разияллоҳу анҳунинг ушбу ривояти бордир: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам чошгоҳ намозини ўқир ва биз: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни тарк қилмайдилар, дердик. (Баъзида) уни ўқимас эдилар ва биз: Уни ҳеч ўқимайдилар, деб айтар эдик» [Имом Аҳмад ривояти (3/36). Термизий бу ҳадисни «ҳасан ғариб» деди (477)].

Чошгоҳ намозининг энг ози икки ракаат бўлиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни тўрт, олти ва саккиз ракаат ҳам ўқиганлар. Уни мудом ўқиш шарт қилинмайди.

В) Таҳийятул масжид намози

Таҳийятул масжид намозини ўқиш, Абу Қатода разияллоху анху Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилган ушбу ҳадисга кўра суннатдир: «Бировингиз масжидга кирса, икки ракаат намоз ўқимагаунча ўтирмасин!» [Имом Бухорий «Жумъа» (1114), Имом Муслим «Мусофирнинг намози ва уни қаср қилиш» (714), Термизий «Намоз» (316), Насоий «Масжидлар» (730), Абу Довуд «Намоз» (467), Ибн Можа «Намозни тўқис адо этиш ва намоздаги суннат» (1013), Имом Аҳмад (5/311), Доримий «Намоз» (1398)].

Г) Тиловат саждаси

Тиловат саждасини қилиш тиловат қилганга ҳам, тинглаганга ҳам суннатдир. (Тиловат қилган одам) саждадан илгари такбир айтади ва саждадан бошни кўтаргач салом беради. Саждада: «Субҳаана Роббиял аълаа» (Олий Роббимни (нолойиқ исм ва сифатлардан) поклайман), дейди ёки бу мавзуда нақл қилинган зикрларни айтади.

Д) Шукр саждаси

Неъматлар янгиланган ва интиқомлар даф бўлган пайтларда шукр саждасини қилиш суннатдир. Бунинг далили Абу Бакра разияллоху анху ривоят қилган ушбу ҳадисдир: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламга севинчли хабар етса, саждага йиқилар эдилар» [Термизий «Сияр» (1578), Абу Довуд «Жиход» (2774), Ибн Можа «Намозни тўқис адо этиш ва намоздаги суннат» (1394)].

Алий разияллоху анху (қатл қилинган) хаворижлар ичида Зус-судайя¹ (Хурқус ибн Зухайр Бажалий)ни кўргач саждага йиқилди (Иммо Аҳмад ривояти).

Каъб ибн Молик разияллоху анху тавбасини Аллоҳ қабул қилгани ҳақидаги муждани эшитгач саждага йиқилди (Муттафақун алайх).

Шукр саждасининг ҳукми тиловат саждасининг аҳкомлари кабидир.

Е) Таровиҳ намози

Таровиҳ — Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам жорий қилган суннати муаккада бўлиб, Рамазон ойида хуфтон намозидан сўнгра масжидда жамоат билан адо этилади.

Бу намозни Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам суннат қилган бўлса, уни Умар разияллоху анху ўз халифалиги даврида жонлантирган.

Таровиҳ намозини ўн бир ракаат ўқиш авло бўлсада, ундан кўра кўпроқ ўқилса ҳам зарари йўқдир. Уни кўпайтириб, Рамазоннинг охири даҳасида тунни ибодат, зикр ва дуолар билан ўтказишга ҳаракат қилиш керак.

¹ Зус-судайя — қўли аёлларнинг кўкрагига ўхшаган киши демакдир. У қора танли, бадбўй ҳидли киши бўлиб, бир қўлининг тирсагидан пастки қисми тўғма йўқ бўлиб, худди хотинларнинг кўкрагига ўхшаб кетарди. Пайғамбар алайҳиссалоту вассалом хавориж фирқасининг ичида мазкур сифатга эга бўлган киши бўлишини хабар бергандилар. Алий разияллоху анху Наҳравон деган жойда хаворижларни қириб ташлаганда, мана шу сифатдаги одамни қидиртиради ва уни топганда, хатога йўл қўймагани ва тўғри қарор билан бу фирқани қириб ташлагани учун шукр саждасини қилади. (Мухаррир)

Ё) Витр намози

Витр — Расулulloх соллалллоху алайҳи ва саллам ўқиган ва ўқишга буюрган суннати муаккада бўлиб, унинг энг ози бир ракаат ва мукаммали уч ракаат бўлиб, энг кўпи ўн бир ракаатдир.

Витр намозининг вақти

Витр намозининг вақти хуфтон намози билан субҳи содиқ оралиғидир. Унда рукудан кейин Кунут дуосини ўқиш мустаҳабдир.

Витр намозининг ўқилиш шакли

Биринчи шакл: намозхон намозни пайдар-пай ўқиб, ташаҳхудга охирги ракаатдагина ўтириши.

Иккинчи шакл: намозхон ўтириб охирги ракаат учун ташаҳхуд ўқиб, сўнгра салом бермай туради-да, (яна) бир ракаат ўқиб ташаҳхудга ўтириб, салом беради.

Учинчи шакл: ҳар икки ракаатда салом бериб, (мустақил) бир ракаат билан тугаллайди: ташаҳхудга ўтиради ва салом беради. Бундай қилиш энг афзалидир. Чунки Расулulloх соллалллоху алайҳи ва саллам мудом шундай қилганлар.

Ж) Равотиб (фарз намозларидан олдин ёки кейин ўқиладиган) суннат намозлар

Суннат намозларнинг энг афзали бомдод намозининг суннати дир. Оиша разияллоху анҳо марфуъан шундай ривоят қилдилар: «Бомдод намозининг икки ракаати дунёдан ва дунёдаги барча нарсадан кўра яхшироқдир» [Имом Муслим «Мусофирнинг намози ва уни қаср қилиш» (725), Термизий бу хадисни саҳиҳ деди: «Намоз» (416),

Насойй «Тунни ибодат билан ўтказиш ва кундузнинг нафллари» (1759), Имом Аҳмад (6/265)].

Равотиб суннатлар ўн икки ракаатдир: пешин намозидан илгари тўрт, кейин эса икки, шом намозидан кейин икки, хуфтон ва бомдод намозларидан кейин икки ракаатдир.

Равотиб суннатларни ўқилмаган бўлса, қазосини ўқиш суннатдир. Витр намозининг қазоси жуфт ракаат қилиб ўқилади (яъни, одатда 3 ракаат ўқийдиган киши, 4 ракаат қилиб ўқийди). Борди-ю, суннат намозлар (шу жумладан витр ҳам) фарз намози билан бирга қазо қилинган ва улар кўп бўлса, машаққат туғдиргани боис, уларнинг қазоси ўқилмаса ҳам бўлади. Бомдод намозининг суннатини эса муаққад суннат бўлгани туфайли, албатта ўқиш керак.

Нафл намозларнинг барчасини фарз ва жамоат билан ўқиш машруъ бўлган намозлардан фарқли ўлароқ, масжидда эмас уйларда ўқиш авлодир.

